
РИШТОНДА ХАЛҚАРО КУЛОЛЧИЛИК ФОРУМИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Қўқонда бўлиб ўтаётган II халқаро ҳунармандчилик фестивалига уйғун ҳолда Риштон туманида ташкил этилган Халқаро кулолчилик форуми бугун ўз ишини бошлади.

Тумандаги "Халқаро кулолчилик маркази"да бўлиб ўтган Форумнинг тантанали очилиш тадбирида вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев, форумга таклиф этилган хорижлик ва маҳаллий кулолчилик усталари, ҳунармандлар, Туркиянинг Кутахя шаҳри ҳамда Қирғизистоннинг Риштон туманига чегарадош туманлари ҳокимлари, хорижий ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб меҳмонлар хорижлик ва маҳаллий кулолларнинг маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар, ўзбек халқ санъати ва ўйинлари намойишини томоша қилдилар. Халқаро Кулолчилик марказидаги икки қаватли кулоллар хонадонлари, устахона ва савдо дўконлари билан танишдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, сўнгги йилларда кулолчилик Риштон тумани иқтисодиётининг асосий драйверига айланганини қайд этиб, риштонлик уста кулоллар ва уларнинг шогирдлари яраётган чиройли, сифатли, экологик тоза маҳсулотлар бугун жаҳон бозорларига чиқиб бораётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборлари натижасида туманда охириги икки йилда 4 та кулолчиликка ихтисослашган Ҳунармандлар маркази барпо этилганини, 2 та кулолчилик маҳалласи ташкил этилганини айтиб ўтган Файзулло Қосимов, кулолчилик туман кундалик ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганига эътибор қаратди.

Риштонда Халқаро Кулолчилик форуми тумандаги "Оқер" МФЙ ҳудудидаги "Чинор плюс 2020" Ҳунармандчилик ва туризм мажмуасида "XXI аср кулолчилиги: анъаналар ва инновациялар" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман билан ўз ишини давом эттирмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-23 14:55:51